**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**

**Анъанавий хонандалик кафедраси**

**Ноталаштириш фанидан**

# Курс иши

Мавзу:

«Санобар опа Хилчованинг хаёти ва ижоди.»

**Бажарди: II курс талабаси**
**Хожиҳонова Д.**

**Илмий раҳбар: Зокиров А.**

**Тошкент – 2009**

Мавзу: Хоразм вилояти Хива шахри халфачиларидан Санобар Қиличова хаёти ва ижодий фаолияти.

Режа.

1 Кириш.

2 Хоразм халфачилиги ва Санобар Қиличова ижодида.

3 Санобар Қиличова ижодидан намуналар

4 Хулоса.

# Кириш

Шарк халклари оғзаки ижодида ўзининг Хаётийлиги билан жўшкинлиги ва мусиқий-йлиги билан хоразм халфачилик санъати муҳим ўрин тутади.
Улар авлоддан авлодга ўтиб келган сўз, шеър, овоз, соз, санъатини ўзида мужассамлаштирилган бебахо бадиий намуналардир. Халфачилик санъати асрлар давомида кишилар маънавий эхтиёжларни кондириб келган кадимий шаркона санъат она-момоларимиз уларни яратиш айтиш, куйлаш ва тинглаш билан узок асрлар давомида маънавий эхтиёжларини кондириб келажакка ишонч руҳи билан яшаб мехнат килиб келганлар. Хакикатан хам халфа кўшиклари халк хаётининг маълум тарихий тараккиёт даври учун хос бўлган мухим масалалар кўтарилиб ўз даврининг илғор аёллари томонидан яратилган. Хозирги даврда бу санъатга енгил каровчи „Халфаларимиз томонида" юкорида айтиб ўтган сер мазмун ва сер жило сўзлар ўрнига нихоятда саёз ва андишасиз сўзлар айтилмокда чиройли оханглар ва кочиримлар эгаламокда.
Бу холатни чукур кузатиб турган устозларимиз маслахати ва ёрдамлари туфайли ушбу мавзуда бахоли кудрат сўз юритамиз.

Хоразм холфачилик санъати

Хоразмда саводхон, гапга чечан, айни пайтда хонандалик қобилиятига эга бўлган зуқко аёлларни „халфа" деб юритишади. Ушбу атама арабча бўлиб, „Ўзбек тилининг изохли луғатида шариат ақидаларини яхши билувчи ўқимишли киши тарзда шарҳланган. Дарҳақиқат, „луғат"даги шарҳ билан биз тилга олаётган халфалар фаолияти маълум даражада алоқага эгадир Хоразм воҳасида илгаридан бери давом этиб келаётган анъанага мувофик, тўйларда, ташқаридаги эркаклар даврасида бахшилар хизмат қилса, ичкаридаги хотин қизлар даврасида халфалар хизмат қилади. Бизнингча Хоразм халфаларини ва анъаналарини ўз моҳиятига қараб уч гуруҳга бўлиш лозим.

Ижодкор, шоира халфалар

Ижрочи созанда халфалар

Достонларни куйсиз қироат билан ўқиб эшиттирувчи халфалар. Хозирги даврда достонларни ёддан билган, уни куйлари билан ижро қила оладиган халфалар жуда кам. Хоразмда яшаган машҳур халфалардан: Хоним сувчи, Ожиза ва Онажон халфа каби санъаткорлар лапарларни ёддан билганлар ва уларни хотин-қизлар даврасида маромига етказиб куйлаганлар. Бу лапарларнинг кучли таъсири уларнинг ўзлари ижод қилган аксарият шеърларида ҳам кўзга яққол ташланиб туради.

Халфачилик санъати энг қадимий урф-одатлар халқнинг турмуш-тарзи, маросимлар ҳақида хабар беради. Ҳар бир юртнинг ўзини халқ ижодиёти билан яратган ижод маҳсули бўлгани каби Хоразм вилоятида ва Хива шаҳарларида ҳам ўзининг ижодий фаолиятини олиб бораётган замондошларимиздан бири Санобар Қиличовадир. Санобар Қиличова ширадор ва ёқимли овоз соҳибаси, хивалик халфа. У 1970 йил 16 декабр Хоразм вилояти Хива шаҳрида ўқитувчи оиласида таваллуд топди. Отаси Нурмуҳаммад Машарипов Хива шаҳридаги Аваз Ўтар номли ўрта мактабида „Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси. Онаси Гулнора Машарипова уй бекаси эди. Шунга қарамай қўшиққа, шеъриятга, рақсга ниҳоятда иштиёқи баланд эди. Санъатни идрок эта оладиган зиёли аёл бўлган. Шундаги бу истеъдод қизи Санобар Қиличовага ҳам ўтган. Санобар опа санъатга, хусусан қўшиқ ва рақсга жажжи қизалоқлигидан бошлаб меҳр қўяди.

Қизиқувчан зийрак қизга бўлганиданми мактаб ёшига етмасиданоқ ўқиш ёзишни ўрганиб олади. Кўпгина шеърларни шеърларини ёд олади. Хоразмда хусусан хивада аёлларнинг бирор-бир йиғини халфаларсиз ўтмайди. Уларнинг гоҳ ўйноқи, жозибадор, гоҳ вазмин насиҳатомуз аёл қалбининг туб-тубидаги энг нозик ҳисларини, дарду изтиробларини, қувончу шодликларини ифодаловчи бу қўшиқлар ҳар-бир инсонни юрагидан жой олган. Ёш Санобар ҳам онаси билан бундай байрамларга бориб у ердаги ижро этилаётган халфаларни қўшиқларини жон дили билан тингла ва уйга қайтгач уларни эсида қолгунгача хиргойи қилиб юрар эди. У мактабга борган пайтда ўтказиладиган тадбирлар Санобарнинг иштироки билан яна файзли ўтарди. Ёш қизнинг истеъдод қирралари устозлар қўмагида туман, шаҳар кейинчалик вилоят миқёсидаги санъат байрамлари, кўрик-танловларда янада файзли ўтарди. Ёш қизнинг истеъдоди қирралари устозлар қўмагида туман, шаҳар кейинчалик вилоят миқёсидаги

Санъат байрамлари, кўрик танловларда янада ёрқинроқ намоён бўлиб борди. Шу билан бирга мактаб тўгарагида мусика асбобларни чалишни ўрганиб борди. Унинг қизиқиши ва иштиёқи Хива педагогика билим юртининг мусика факултетига етаклади. Билим юртида хам жуда фаол талабалардан бўлган. У билим юртини тугатиб, Хива шахар маданият уйида иш фаолиятини бошлади. Тинимсиз мехнат ва изланишлар натижасида Санобар опанинг ижодий репертуаридан кўпгина ўтмиш ва замондош халфаларнинг ижод намуналари, шунингдек достонлардан парчалар, суворалар ва бошка ашулалар ўрин олади. жумладан „Хива дудори", „Хайронимман," „Биролмайин", „жоним айлансин," Унинг ижросида тингланар ва ижро этган ашулалари тингловчиларига ўзгача завқ-шавқ, сурур бахш этарди. Санобар опа моҳир санъаткор ёркин истеъдод эгаси бўлиши билан бирга севимли уй бекасихамдир. Оиласида уч нафар фарзандининг мехрибон онаси. Умр йўлдоши Султонбой ака хам санъаткор уларни фарзандлари хам ота-она изидан бориб Санъат йўлидан боришган.

Санобар опа хозирги кунда бир неча шогирд-ларнинг устози хисобланади. Энди эса у кишининг ижодларидаги намуналари „яллалар" хакида тўхталамиз Санобар опанинг репертуарларида кўплаб мавсуми. маросимлари жанрдаги айтим оилавий маросимларда айтиладиган ёр-ёр, лапорлар, келин салом, ялла эркин мавзудаги кўшиклардан лапор яллалар жой олган.

# Хулоса

Хулоса килиб айтганда хар-кандай мамлакатнинг маънавий тарихи, урф-одатлари, анъаналари узок ўтмишидан далолат беради. Биз мана шундай ижодга, фольклор санътига, халфачиликка мехр қўйиб, халкни дардини, урф-одатларини жирчоси килиб ижро этиб келаётган азиз ижодкорлар борлигидан фахрланамиз.

Бу ижодкорлар бизга ўзимизнинг ўзбеклигимизни англашимизга катта хисса қўшаётган инсонлардир.

Биз бундай дилбар аёлларни изланувчан ижодкорларини ижодини хурмат киламиз ва кадрлаймиз.

Шу ўринда хоразм халфачилигининг энг сара намуналарини тингловчиларига етказиб бераётган Санобар Опа Киличовага хам куч-кувват, гайрат-шижоат ва ижодий баркамоллик тилаб коламиз.